133-20. VII-IX жр
2016

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 1 ИЮЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 133 (13.196)

Баҳоси эркин нархда

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР — ЭЛУ ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида 30 июнь куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида бўлгани сингари Сурхон воҳасида ҳам улкан янгиланиш ва ўзгаришлар рўй берди. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, одамларнинг турмуш даражаси юксалиб бораётир. Бир пайтлар фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан чекланган воҳада бугун саноатнинг бир неча тури изчил ривожланаётир. Замонавий илғор технологиялар билан жиҳозланган корхоналар ишга туширилмоқда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққий этмоқда.

Бундай улкан ўзгариш ва янгиланишларни вилоятда эришилаётган ютуқлар мисолида яққол кўриш мумкин. Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 8,4 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 7,6, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7,4, қурилиш-пудрат ишлари 11,5 фоизни ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиши натижасида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 57,4 фоизга етди. Хусусий секторда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, соҳага кўплаб имтиёз ва преференциялар берилаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланишини таъминламоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида вилоятда беш юзга яқин кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Тижорат банклари томонидан хусусий секторга 180 миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамигача 241 янги лойиҳани фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Термиз туманидаги "Жануб қўёши" масъулияти чекланган жамиятида 4,2 миллиард сўмлик инвестициялар ҳисобига йилига 1,2 минг тонна сут маҳсулотларини қайта ишлаш орқали қуруқ сут, пишлоқ, бринза ва йогурт ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётган бўлса, "Gold Dried Fruits" корхонасида уч миллион долларлик инвестициялар ҳисобига 30 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш ва замонавий омборхона лойиҳаси ишга туширилади.

Ислом Каримов вилоятга сафарини Термиз шаҳрида миллий ва замонавий меъморлик услублари асосида барпо этилган Хотира майдони билан танишишдан бошлади.

Президентимизнинг 2015 йил 22 майдаги "2015-2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида бунёд этилган майдонда ўтганларни хотирлаш, ёши улуғ инсонларни эъзозлаб, ҳурмат бажо келтириш учун барча шарт-шароит яратилган. Мазкур майдон икки гектарни эгаллаган. Бу ерда Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилган. Турли манзарали дарахт ва анвойи гуллар билан бурканган майдонда замонавий архитектура ва меъморлик анъаналарини мужассам этган кенг айвон барпо этилиб, алюминийдан тайёрланган махсус китоблар ўрнатилган. Ушбу китобларга Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган сурхондарёликларнинг исм-фамилияси зарҳал ҳарфлар билан ёзилган.

Давлатимиз раҳбари мазкур майдоннинг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида тўхталди.

Бундай муқаддас масканларни кўпайтириш, асраб-авайлаш борасида амалга ошираётган ишларимиз аждодларимиз хотирасига чексиз эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир, деди Ислом Каримов. Бугунги тинч, осойишта ҳаётимиз йўлида жонини қурбон қилган ота-боболаримиз билан ғурурланиш, уларнинг муборак номларини доимо ёдда тутиш барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Юртбошимиз ушбу майдонни янада обод, кўркам ва файзли қилиш учун маҳаллий иқлим шароитига мос ранг-баранг дарахтлар, анвойи гулларни кўпроқ экиш зарурлигини алоҳида қайд этди. Вилоятда лола дарахтини кўпайтириш учун замонавий питомник ташкил этиш юзасидан тавсиялар берди. Бундай ноёб дарахтлар ҳавони тозалаб, мўътадил ҳароратни сақлашини алоҳида таъкидлади.

– Анвойи гуллар ва ранг-баранг дарахтларга бурканган бу майдонни ёшу кекса зиёрат қилмоқда, аждодларимиз руҳига эҳтиром кўрсатиладиган ва турли тадбирлар ўтказиладиган обод гўшага айланди, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси ўринбосари Орзиқул Соатов. – Бугунги тинч, осойишта, фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, шукрона келтириш, оилаларни мустаҳкамлаш, айниқса, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда бу масканнинг тарбиявий аҳамияти ғоят муҳимдир.

Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг муносиб турмуш кечириши, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқаришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Термиз шаҳрида бунёд этилаётган муҳташам санъат саройи ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

Қурилиш ишларини бугунги замон талабларига мос ҳолда олиб бориш керак. Бу жараёнда аввало лойиҳани пухта ишлаш, салоҳиятли пудратчи ташкилотларни танлаш, замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш даркор. Энг муҳими, бундай салобатли иншоотларга замонавий қурилиш материалларини ишлатиш, дизайни мослигига алоҳида аҳамият қаратиш зарур. Биз қураётган бундай бинолардан наинки бугунги, балки келгуси авлодлар ҳам завқ олсин, асрлар давомида эслаб, ўзгача ғурур билан яшасин, деди Ислом Каримов.

Бугунги кунда вилоятда 12 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Жорий йилда воҳа фермерлари 98 минг гектар майдонда бошоқли дон етиштириб, шартномавий режани ортиғи билан бажарди. Ҳозиргача ғаллакорлар ҳосилдорликни гектарига 54 центнерга етказди. Пахта майдонларида ҳам барча агротехник тадбирлар уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Фермер хўжаликлари ва аҳоли томорқасида мўл-кўл мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Маҳаллий бозордан ортиқ қисми хорижга экспорт қилинмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида вилоят соҳибкорлари 27,3 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилди.

Давлатимиз раҳбари Термиз туманидаги "Янгиариқ пахтакори" фермер хўжалиги даласида бўлиб, вилоят фаоллари ва фермерлари билан суҳбатлашди.

Президентимиз учрашувда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари парваришида замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш, истиқболли навларни экиб, ҳосилдорликни янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги кучайиб бораётган бир пайтда мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиш ва ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича ўз таклифларини билдирди.

Сурхондарё замини учун бу йил жуда омадли келди, деди Президентимиз. Бу омад вилоят фермер ва деҳқонларининг 670 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, мамлакатимизда биринчи бўлиб ғалла топшириш бўйича шартнома мажбуриятини бажаргани, турли соҳаларда улкан марраларни забт этаётгани, мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйига муносиб туҳфалар тайёрлаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Мазкур фермер хўжалиги аъзолари 23,5 гектар майдонда ғалла экиб, мўл ҳосил тўплади. Тажрибали фермер Ибодулла Давлатов шартномавий режани ортиғи билан бажарди.

– Фермерлик ҳаракати обод ва фаровон ҳаётимизнинг бош омилига айланди, – дейди "Янгиариқ пахтакори" фермер хўжалиги раҳбари Ибодулла Давлатов. – Буни ҳаётимиз тубдан ўзгариб, фаровон турмуш кечираётганимиздан яққол ҳис этмоқдамиз. Уй-жой қураяпмиз, машина олаяпмиз, фарзандларимизнинг орзу-ҳавасини кўраяпмиз. Бундай эътибордан руҳланиб, далага меҳр қўйиб меҳнат қилаяпмиз. Ҳар қарич ердан унумли фойдаланишга интилаяпмиз. Масалан, ғалладан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгорлаб, такрорий экин экдик. Бу йилги ерёнғоқ ва мошнинг маълум қисмини хорижга экспорт қилиш учун шартнома туздик. Биз, сурхондарёлик деҳқонлар учун етиштирган озиқ-овқат маҳсулотларимизнинг бир қисмини Фарғона водийси аҳолисига арзон, қулай транспорт орқали етказиш муаммо бўлиб келган. Куни кеча Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ишга туширилиши билан бу муаммо барҳам топди, биз учун янги имкониятлар яратилди. Бундай бетимсол, тарихий иншоотлар қурилишининг ташаббускори ва раҳнамоси бўлган Президентимиздан чексиз миннатдормиз.

Хўжалик далаларида бошоқли дон ўрим-йиғими билан бирга ғўзага ишлов бериш ҳам қизғин давом этмоқда. Ғўза ниҳоллари икки марта озиқлантирилиб, суғорилди. Барча дала юмушлари агротехник тадбирлар асосида олиб борилмоқда.

– Ўзбекистон Республикаси, яъни Сизнинг, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, раислигингизда ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг юбилей саммитини катта ҳаяжон ва ўзгача ғурур билан кузатдик, – деди тажрибали фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Исохон Баҳромов. – Ушбу мажлисда ташкилотнинг нуфузини ошириш, Ҳиндистон ва Покистонни ШҲТ аъзолигига қабул қилиш бўйича тарихий қарорнинг имзолангани Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада юксалтирди. Саммит кунлари Тошкент – тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик шаҳри сифатида яна бир бор эътироф этилди. Бундан бутун мамлакатимиз халқи қатори Сурхондарё вилояти аҳолисининг ҳам қалби фахру ифтихор туйғуси билан тўлиб тошди. Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг шарофатидан. Шу боис истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз керак.

Ислом Каримов Термиз шаҳридаги Ҳаким ат-Термизий мажмуасини зиёрат қилди.

Президентимиз Ҳаким ат-Термизий мажмуасини таъмирлаш юзасидан тегишли тавсиялар берди. Бунда воҳанинг ўзига хос анъаналари, замонавий меъморлик усулларидан фойдаланиш кераклигини қайд этди.

Куннинг иккинчи ярмида Президентимиз Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.

Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилоятининг иқтисодий салоҳияти мисли кўрилмаган даражада юксалди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Шўртан газ-кимё мажмуаси, "Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонаси, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Таллимаржон иссиқлик электр станцияси каби замонавий саноат корхоналари барпо этилди. "Ҳисорнефтгаз", "Кўкдумалоқгаз", "Шўртангазмаҳсулот" каби йирик қўшма корхоналар ташкил қилинди.

Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми изчил ошмоқда. 2015 йилда бу кўрсаткич 5,4 фоиз, жорий йилнинг биринчи чорагида 5,6 фоиз ўсди.

Президентимизнинг 2013 йил 2 августдаги "2013-2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори вилоят ривожини янги босқичга кўтарди. Мазкур қарор билан тасдиқланган дастурга асосан 598 лойиҳа амалга оширилиб, янги корхоналар ташкил этилди, 11 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг 2700 йиллиги муносабати билан вилоят янада гўзал ва обод масканга айланди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли ҳаёт даражаси юксалиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 июлдаги "Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қарши шаҳрининг ҳудуди 9 минг гектардан 17 минг гектарга кенгайтирилди. Янги йўл ва кўприклар, кўп қаватли уй-жойлар, боғ ва хиёбонлар, хизмат кўрсатиш объектлари бунёд этилди. Ўзбекистон, Мустақиллик, Амир Темур, Алишер Навоий, Насаф, Хонобод кўчалари кенгайтирилиб, атрофи ободонлаштирилди.

Йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш мақсадида 56 километрлик ҳалқа йўли қурилмоқда. Унинг темир йўл ва дарёлар билан кесишадиган жойларида 6 замонавий йўл ўтказгич ва кўприклар бунёд этилмоқда. Бу шаҳар ҳавоси мусаффолигини ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлайди.

Президентимиз капитал таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этган Қарши темир йўл вокзалига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 5 январдаги қарорига асосан амалга оширилган "Марокканд – Қарши темир йўл участкасини электрлаштириш" лойиҳаси мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътиборнинг яна бир ёрқин намунасидир. Қарорга мувофиқ қарийб 141 километрлик Марокканд – Қарши участкаси тўлиқ электрлаштирилди. Поездлар ҳаракатини бошқарадиган замонавий тизим йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА БРИФИНГДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 24 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича оммавий ахборот воситалари учун уюштирилган брифингда нутқ сўзлади. Қуйида ана шу нутқ матни чоп этилмоқда.

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари вакиллари, хонимлар ва жаноблар, сизларни самимий қутлаш ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммитига катта қизиқиш билдирганингиз учун яна бир бор миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг ташкилот ташкил топганининг 15 йиллигига бағишланган юбилей мажлиси очиқ ва амалий руҳда ўтганини мамнуният билан таъкидламоқчиман. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар, шунингдек, Афғонистон, Беларусь, Ҳиндистон, Эрон, Мўғулистон, Покистон, Туркманистон каби мамлакатлар раҳбарлари, БМТ ва етакчи минтақавий ташкилотлар вакиллари томонидан мажлис кун тартибидаги масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Шуни катта мамнуният билан айтишим керакки, кун тартибидаги барча масалалар муҳокама этилиб, улар юзасидан мажлис иштирокчиларининг фикри эшитилди. Одатдагидек кун тартибига киритилган бу масалалар дастлаб ШҲТга аъзо олтита давлат раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилгани сизларга яхши маълум. Бундан ташқари, айрим қўшимча масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Биз регламент ва дастурда белгиланган муддатда барча масалаларни кўриб чиқдик, бирон-бир эътироз, таклиф ёки қўшимчалар бўлмади.

Бу нимадан далолат беради? Ўттиздан ортиқ давлат, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари, кўплаб журналистлар иштирок этган бундай катта саммитни ташкил этиш осон эмас. Чунки бу тадбирда ШҲТга аъзо ва кузатувчи, шунингдек, таклиф этилган давлатлардан ташқари, ҳамкорликнинг учинчи йўналиши – мулоқот бўйича шерик мамлакатлар вакиллари ҳам иштирок этди. Ҳар бир категорияга мансуб давлатнинг ўз мажбурияти, ваколати ва имкониятлари бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, саммит ишидан ҳамма қаноатландими, деган саволга тўла ижобий жавоб бериш мумкин. Барча тайёргарлик ишлари ўз вақтида, сифатли ташкил этилгани натижасида саммит юксак савияда ўтди. Бу борада, аввало, ШҲТ Котибиятининг ҳиссаси катта бўлди.

Биз ушбу саммитни кузда ўтказишни режалаштирган эдик. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2015 йил июль ойида Уфа шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида бизга, яъни раислик қилувчи мамлакат олдига навбатдаги саммитни 2016 йилнинг июнь ойида ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Яна бир қийин жиҳати – бу кун тартибига киритилган масалалар билан боғлиқ эди. Ташкилот таркибини кенгайтириш тўғрисидаги масала ШҲТ доирасида илк бор муҳокама этилган мутлақо принципиал масалалардан бири бўлди.

Шуни такрор айтмоқчиманки, бугунги мажлисда эртага дунёнинг барча оммавий ахборот воситалари диққат марказида бўладиган масалалар муҳокама этилиб, тегишли ҳужжатлар қабул қилинди. Аъзо давлатлар билан ҳамкорликда амалга оширилган изчил ишлар туфайли бу ҳужжатларни ўз вақтида тайёрлашга муваффақ бўлдик.

Кеча барча меҳмонларни Тошкентда кутиб олдик ва уларнинг аксарияти пойтахтимиз марказидаги Амир Темур хиёбони ёнидаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтган концертда иштирок этди. Бу концерт саммит иштирокчиларига кўтаринки кайфият бағишлади. Санъаткорларимиз бунинг учун астойдил ҳаракат қилди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда кўплаб истеъдод соҳиблари етишиб чиқмоқда. Хушовоз ва маҳоратли артистларимизнинг чиқишлари нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки дунё санъат ихлосмандларига ҳам манзур бўлмоқда. Концертда ижро этилган миллий ва мумтоз қўшиқлар, бетакрор рақслар, опера намуналари ШҲТ мажлиси қатнашчилари ва меҳмонларига аъло кайфият бағишлади, десам, адашмайман. Биздан сўнг, яъни 2016-2017 йилларда ШҲТга раислик қиладиган Қозоғистон ҳам шундай концерт ташкил этади, деб ишонаман.

Албатта, сизларни бугунги мажлисда қандай ҳужжатлар имзолангани кўпроқ қизиқтириши табиий. Ушбу ҳужжатларнинг ҳаммаси билан эртага матбуот нашрлари орқали танишишингиз мумкин.

Энг муҳим ҳужжат – бу ШҲТнинг Тошкент декларациясидир. Бу ҳужжатда ташкилотнинг шу пайтгача бўлган фаолияти якунлари сарҳисоб қилинган ва истиқболдаги устувор йўналишлари белгиланган. Муҳим масалалардан яна бири – бу Ҳиндистон ва Покистоннинг ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилиши тўғрисидаги масаладир. Шуни айтиш жоизки, Ҳиндистон ва Покистон ШҲТда қабул қилинган барча асосий ҳужжатларга риоя этиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олгани ҳақидаги ҳужжат имзоланди. Хўш, бу қандай ҳужжатлар?

(Давоми 2-бетда)

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР — ЭЛУ ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида – 2015 йил 22 август куни юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электропоезди Қарши шаҳрига илк қатновини амалга оширди.

Президентимиз вокзал биносини кўздан кечирар экан, уни янада кўркамлаштириш, бино пештоқини Қашқадарё тарихига оид нақшлар билан безатиш, йўловчиларга замонавий қулайлик яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Юртбошимиз "Насаф" марказий стадионини бориб кўрди.

16 минг томошабинга мўлжалланган ушбу стадион халқаро талабларга жавоб беради. Бу ерда мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақалар ўтказилиши мумкин.

Ислом Каримов стадионни реконструкция қилиш, спортчилар ва томошабинлар учун қулайликларни янада ошириш, хавфсизлик чораларини кучайтириш бўйича зарур тавсиялар берди.

Президентимиз Қарши шаҳрининг Мустақиллик ва Ўзбекистон кўчалари чорраҳасида бунёд этилган курантни кўздан кечирди.

Қарийб 30 метрлик курант оқ мармар билан қопланган, миллий колорит билан безатилган. Аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қулайлик ва хавфсизлик яратиш мақсадида улкан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Мамлакатимиздаги аксарият шаҳарлар қадимий, айни вақтда замонавийдир. Ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир шаҳарда бошқа жойда учрамайдиган, алоҳида ажралиб турадиган майдонлар бўлиши керак. Бундай курант ва унинг атрофидаги майдон Қарши шаҳрининг ўзига хослигини ифодалайди, деди Ислом Каримов. Йўл ва иншоотларни лойиҳалаштириш ва қуришда шаҳарнинг келгуси тараққиётини инобатга олиш зарур.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллик кўчаси бўйидаги хиёбонга ташриф буюрди.

Шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг дам олиши учун имконият яратиш, майдонда мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида бу ерда улкан фавворалар бунёд этилди. Турли шакл ва катталикдаги фавворалар шаҳарга салқинлик бағишлайди, тунда рангбаранг чироқлар ёғдусида жилоланади. Мутасаддиларнинг маълум қилишича, Қарши шаҳрида 50 та фаввора қурилиши режалаштирилган, бугунги кунда уларнинг 28 таси ишлаб турибди.

Президентимиз шаҳар қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг дам олиши учун яратилган қулайликларни тобора ошириш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича зарур тавсиялар берди.

Ислом Каримов ўтган йили Қашқадарёга ташрифи чоғида Амир Темур тарихий кўпригини таъмирлаш, дарё атрофини дам олиш масканига айлантириш бўйича зарур тавсиялар берган.

Ўтган вақт давомида бу ерда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Амир Темур кўприги замонавий талаблар асосида реконструкция қилинди. Қашқадарё дарёсида учта тўғон қурилди. 51 катамаран, 2 туристик катер келтирилди. Қирғоқ бўйидаги эски бинолар ўрнида гўзал хиёбон бунёд этилди. Болалар учун замонавий аттракционлар ўрнатилди. 14 коттеж, 4 кафе-бар, болалар майдончалари, 4 сунъий қопламали спорт майдончаси барпо этилди. 24 гектар майдон кўкаламзорлаштирилиб, 4 мингдан ортиқ манзарали дарахт ва буталар экилди.

Президентимиз ушбу кўприк ва хиёбон билан танишди.

Собиқ тузум даврида Қашқадарё вилояти қолоқ ҳудудлардан эди. Одамлар ҳар томонлама эзилган, ҳаётдан норози бўлиб яшарди. Ўша пайтда вилоят раҳбари сифатида уларнинг дардини кўп эшитганман, "қачон бу замон ўзгаради, қачон кўксимизга шамол тегади", деб куюнганларни кўп кўрганман. Мана, ўша орзу қилинган кунлар келди. Мустақиллик шарофати, халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли мамлакатимиз ҳар томонлама обод бўлиб бормоқда, одамлар ҳаётидан рози бўлиб яшамоқда. Бугунги замонавий шароитлар биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз деган эзгу мақсадимизнинг амалий ифодасидир, деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари қурилиш ва ободонлаштириш ишларини изчил давом эттириш, шаҳар қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг дам олиши учун бунданда кўпроқ қулайликлар яратиш бўйича зарур тавсиялар берди.

Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига сафари давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
Анвар САМАДОВ,
Ўлмас БАРОТОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА БРИФИНГДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аввало, бу 15 йил олдин имзоланган Хартия, бошқача айтганда, ШҲТ Низомидир. Шуни катта мамнуният билан айтишим керакки, ўтган йиллар давомида ШҲТ Низомига бирор марта ҳам ўзгартиш киритилмади. Бу бизнинг, ташкилотга аъзо давлатларнинг Хартияда мустаҳкамланган принцип ва қоидалардан ҳеч қачон оғишмаганимиздан далолат беради. Тўғри, ташкилот такомиллашмоқда, Котибият масъуллари ўзгармоқда. Аммо Хартия ва унда баён қилинган принциплар ўзгаргани йўқ ва бу жуда муҳимдир.

ШҲТга янги аъзоларни қабул қилиш тўғрисидаги масалани муҳокама этишда қизғин баҳс-мунозаралар бўлди. Бугун ШҲТ таркибида олтита аъзо ва олтита кузатувчи бор. Иккита янги аъзони қабул қилиш катта аҳамиятга эга. Эътибор беринг, Ҳиндистонда 1 миллиарддан зиёд, Покистонда эса қарийб 200 миллион аҳоли яшайди. Ҳар икки мамлакат ҳам катта салоҳият ва имкониятга эга. Айниқса, Ҳиндистон бугун жадал ривожланиб, тобора қудратли давлатга айланиб бормоқда.

Агар сизларнинг орангизда Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари вакиллари бўлса, уларни бугун ушбу мамлакат эришаётган бундай ютуқлар билан табрикламоқчиман. Покистонликларни ҳам шундай ютуқлар билан табриклайман.

Сизларга шуни яна бир бор эслатмоқчиманки, Ҳиндистон ва Покистон ядровий давлатлардир. Бу нимадан далолат беради? Ядровий давлатлар ҳисобланган Хитой ва Россия қаторига яна иккита ядровий мамлакат ШҲТнинг аъзоси бўлиб қўшилади. Тасаввур қилинг: бугун ШҲТга дахлдор мамлакатларда дунёнинг қирқ саккиз фоиз аҳолиси истиқомат қилади. Тўртта ядровий давлат. Уларнинг иккитаси БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзосидир. Яъни, гап бугунги кунда ШҲТ эга бўлаётган юксак салоҳият ва обрў-эътибор ҳақида бормоқда.

Барчангиз яхши биласиз, ҳозирги вақтда кўпчилик БМТни сусткашликда, кўплаб масалалар унинг эътиборидан четда қолаётганида айбламоқда. Шунга қарамасдан, БМТ универсал ташкилот ҳисобланади ва ундан бошқа дунё миқёсидаги барча энг муҳим масалаларни ҳал этадиган тузилма йўқ.

Бугунги кунда дунёда вазият шиддат билан ўзгариб, ҳар қадамда зиддият ва қарама-қаршиликлар кўзга ташланмоқда, бундай можаролар камайиш ўрнига, афсуски, кучайиб бормоқда. Журналистларнинг шунга эътибор беришларини сўрардим, бугун жаҳонда қандай тенденциялар пайдо бўлмоқда? Катта давлатларнинг дунёда рўй бераётган ғоят муҳим масалаларга доир фикрлари аксарият ҳолларда бир-бирига мос келмайди. Баъзилар ядровий тўқнашувлар ҳақида хотиржамлик билан гапирмоқда. Сиз, ҳурматли журналистлар бундай масъулиятсиз ёндашувлар қандай ачинарли оқибатларга олиб келишини яхши тушунасиз, деб ўйлайман.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг инсоният тарихида яна шундай урушга йўл қўйиш мумкинлиги ҳақида одамлар ҳатто ўйлашга ҳам қўрқар эди. Бу даҳшатли урушда ҳаммаси бўлиб 50 миллион, собиқ Иттифоқ ҳудудидан 27 миллион киши қурбон бўлди. Тасаввур қиляпсизми, 50 миллион киши! Такрор айтаман, илгари бундай урушнинг қайтарилиши ҳақида ҳеч ким ўйламас, гапирмас эди. Бугун эса кўпгина сиёсатчилар, юқори лавозимда ўтирган раҳбарлар ва журналистлар ядровий уруш бўлиши ёки бўлмаслиги ҳақида бемалол гапирмоқда. Учинчи жаҳон уруши бўладими, деган саволни бамайлихотир муҳокама қилмоқда.

Менинг фикримча, бутун дунё, инсоният тақдири учун масъулиятни ҳис этмасдан айтилган бундай гапларнинг ўзи учун ҳам қандайдир жазо чораларини қўллаш ортиқча бўлмас эди. Мен илгари, агар яна уруш бўладиган бўлса, бу жаҳон уруши ва албатта ядровий уруш бўлади, деб айтган эдим. Бир фараз қилинг, бундай урушдан сўнг Ер юзида нима қолади? Нима учун бу аччиқ ҳақиқатни унутиб қўймоқдамиз ва уруш ҳақида хотиржам гапирмоқдамиз? Нима учун уруш бошланиши керак, қандай кучлар уни қўзғамоқда? Наҳотки инсоният хотираси шу қадар заифлашиб, тарих сабоқларини унутиб қўйган бўлса?

Бу фикрни айтишдан мақсад шуки, ШҲТнинг асосий вазифаси – тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдан иборат. Бизнинг вазифамиз битта – рўй бераётган қарама-қаршиликлар янги урушга айланиб кетишининг олдини олиш, тинчлик ва барқарорликни сақлашдир. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, кўпчилик бемалол айтаётган уруш Ер юзидаги охирги уруш бўлади. Бунга йўл қўйишга мутлақо ҳаққимиз йўқ. Бу – Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг шиоридир.

ШҲТнинг салоҳияти юксалиб боргани сайин бундай қарама-қаршиликларнинг олдини олиш учун имкониятларимиз кенгайиб боради. Мана, биз ўз олдимизга қандай вазифа ва мақсадларни қўймоқдамиз.

Ҳиндистон ва Покистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига қўшилиши ҳақида гап борганда, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, саммитга бир ой вақт қолганида ҳам бу масалага оид асосий ҳужжат бўйича келиша олмаган эдик. Бошқача айтганда, бу жараён осон кечгани йўқ. Барча ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёр бўлишига масъул киши сифатида шуни очиқ айтишим керакки, агар бу ҳужжатлар тайёр бўлмаганида ушбу масала кун тартибидан тушириб қолдирилган, саммит бугунгидек юксак аҳамият касб этмаган бўлар эди.

Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикасининг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар кеча координаторлар даражасида келишилаётганида ҳам улар маъқулланиши ва бугун имзоланишига тўла ишонмаган эдик. Ҳиндистон раҳбари жаноб Нарендра Моди ва Покистон Президенти жаноб Мамнун Ҳусайн бир-бирига қўл берганини кўриб, мени ички бир қониқиш туйғуси қамраб олди. Покистон ва Ҳиндистон ўртасида қандай муносабатлар борлигини сиз, журналистларга айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Бу икки давлат ташкилотга бир пайтнинг ўзида қўшилаётганида чуқур маъно бор. Агар уларнинг биттаси учун қабул жараёнини бошлаб, иккинчисини кейинга қолдирадиган бўлсак, бугунгидек самара бўлмасди. Чунки бу Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги ихтилофни янада кескинлаштириб юбориши мумкин эди. Бундай вазиятдан моҳирлик билан фойдаланиб қоладиган кучлар борлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Хуллас, кеча кечқурун ҳужжатлар юзасидан келишувга эришиб, бугун имзоладик. Бу жуда катта, тарихий аҳамиятга эга воқеадир.

ШҲТга аъзо, кузатувчи сифатида қўшилиш истагини билдираётган мамлакатлар кўпчиликни ташкил этади. Сизларга маълумки, Эрондан, Афғонистондан ва бошқа кўплаб давлатлардан шундай мурожаатлар тушмоқда.

Буларнинг барчаси, такрор айтишга тўғри келади, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг салоҳияти ва халқаро миқёсдаги нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Эътиборингиз учун ташаккур.

БИЗНЕС ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан "Бизнес ва инсон ҳуқуқлари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Германиянинг Ф.Эберт номидаги жамғармаси ҳамда ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, давлат идоралари, фуқаролик жамияти институтлари, тадбиркорлик субъектлари, халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатик корпус вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Танзила Норбоева, ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Жон Мак Грегор, Ф.Эберт номидаги жамғарманинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Найля Резяпова ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган хусусий мулкчиликни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Хусусий мулкчилик шаклларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ҳамда аҳоли даромадларининг изчил ошишида муҳим омил бўлмоқда. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолининг 77 фоизидан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар улуши сўнгги беш йилда 47,1 фоиздан 52 фоизга ўсгани аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамлар ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашда соҳанинг аҳамияти тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Анжуманда таъкидланганидек, хусусий секторнинг ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ўрни тобора ошиб бормоқда. Бу жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда янада долзарб тус олмоқда. Бинобарин, сўнгги ўн йилликда геоиқтисодиётдаги бўҳронлар оқибатида ҳам давлат, ҳам бизнес вакиллари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жавобгарликни оширди.

Халқаро ҳужжатларга мувофиқ, инсон ҳуқуқларининг таъминланиши корпоратив жавобгарликнинг асосий принципларидан бири ҳисобланади. Бу борада БМТнинг ишбилармон доиралар фаолиятининг асослари, инсон ҳуқуқларининг умумэътироф этилган принциплари, меҳнат стандартларига риоя қилиш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, коррупцияга қарши курашиш соҳаларида кўплаб ҳужжатлари қабул қилинган.

Бугунги кунда мамлакатимиз БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича саксондан зиёд асосий ҳужжатлари иштирокчиси ҳисобланади. Миллий қонунчиликка имплементация қилинган ушбу ҳужжатларнинг қоидалари инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кўзда тутади.

Тадбирда соҳада фаолият кўрсатаётган нодавлат-нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги маърузалари тингланди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Мустақиллик – олий неъмат" мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, ижодкорлар, фахрийлар, ёшлар иштирок этди.

● Андижонда "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. "Энг фаол ёш олим", "Энг фаол ёш банк ходими", "Энг фаол ёш озиқ-овқат саноати ходими", "Энг фаол ёш спорт мураббийи", "Энг фаол ёш транспортчи", "Энг фаол ёш шифокор" номинациялари бўйича биринчи ўринни эгаллаган иштирокчилар танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

● Жиззахда "Биз, ёшлар гиёҳвандликка қаршимиз!" шиори остида ёшлар акцияси ўтказилди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Жиззах вилояти кенгаши томонидан ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гиёҳвандлик, тамаки чекиш каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган акцияда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, талабалар иштирок этди.

● Навоий вилояти Конимех туманидаги "Шўртепа" маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

● Бухорода ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Ёш қутқарувчи" мусобақасининг мамлакат босқичи ўтказилди. Иштирокчилар соҳага доир билими, фуқаро муҳофазаси ва тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш, дарёдан арқон ёрдамида ўтиб, чодир ўрнатиш ва 60 метр масофага тўсиқлар оша эстафетали югуриш каби шартлар бўйича ўзаро баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● Бразилия суди Facebook компаниясининг 6 миллион долларлик маблағини музлатиб қўйди.

● Ростов-Донда об-ҳавонинг кескин ўзгариши — кучли жала қуйиши катта сув тошқинларини келтириб чиқарди. Табиий офат натижасида бир киши ҳаётдан кўз юмди, беш нафар одам тан жароҳати олди. Сув тошқинлари туфайли ҳудудда фавқулодда ҳолат жорий этилди.

● "Рио-2016" ташкилий қўмитаси XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг расмий шиорини тақдим қилди. Ушбу шиор инглиз тилида талқин қилинганда "A New World", яъни "Янги дунё" маъносини англатади. Ташкилотчиларнинг сўзларига кўра, "Рио-2016" Олимпиадаси шиорининг асосий ғояси дунёни спорт орқали янада яхшилашга чорловдир.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ОИЛА САОДАТИ — ЖАМИЯТ ИҚБОЛИ

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши томонидан "Оилалар саодати – мустақиллик самараси" кўрик-танловининг мамлакат босқичи ўтказилди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ўтказилган танловда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси ўринбосари Ж.Сафоев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, оилалар мустақиллигини таъминлашга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Танловда минтақавий босқичларда ғолиб бўлган оилалар белгиланган шартлар бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш этди. Оила мустаҳкамлигини таъминловчи омиллар ҳаётий мисоллар асосида кўрсатиб берилди.

– Оила – муқаддас қўрғон, унинг мустаҳкамлиги ота-онанинг ўзаро тотув ҳаёт кечиришига боғлиқ, – дейди ЎзА мухбирига қашқадарёлик Қаҳрамон Тоштурдиев. – Бу фарзандлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек оиласининг ўзига хос урф-одатлари, қадриятлари, меҳр-оқибат, андиша каби туйғуларда намоён бўлади. Миллий қадриятларимиз сифатида эъзозланиб келинаётган ота-онани ҳурмат қилиш, уларни эъзозлаш, фарзандни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, унинг келажаги учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш анъанаси истиқлол йилларида янгича мазмун касб этгани, бугун оилалар ҳаётида ўз исботини топаётир. Кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад ана шу ҳаётий ҳақиқатни намунали оилалар воситасида юртдошларимизга яна бир бор намоён этишдан иборат.

Қизғин ва муросасиз ўтган танлов якунида наманганлик Раҳмоновлар оиласи биринчи, самарқандлик Ўтановлар оиласи иккинчи, хоразмлик Аминовлар оиласи учинчи ўринни эгаллади.

А.ҚИЁСОВА

Танловлар



Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига бормайлик, халқимиз томонидан энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигини муносиб нишонлаш учун ҳамжиҳатликда қизғин тайёргарлик кўрилаётганига гувоҳ бўламиз. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига биноан жойларда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида турли маданий-маърифий тадбирлар, бир қатор кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ МУТАХАССИСИ

Ана шундай тадбирлардан бири "Ёшлар ижод саройи"да Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танловининг шаҳар босқичи юқори кўтаринкиликда ўтди.

Маълумки бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида эртамиз эгалари бўлган ёшларни маънан ва жисмонан етук, касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаган, мустақил ҳамда ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак инсонлар этиб камолга етказиш мақсади мужассам. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янада юқори босқичга кўтарди. Келажагимизворислари истеъдодини юзага чиқариш ҳамда муносиб рағбатлантиришга қаратилган турли кўрик-танловлар, фестивалллар, акциялар, байрамлар ўтказилмоқда, белгиланган долзарб вазифалар ижроси таъминланмоқда.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танлови ҳам ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш, касбий маҳорати ва билим даражасини ошириш учун барча шарт-шароитларни яратиш каби бир қатор хайрли мақсадларга қаратилган.

— Мазкур танловда касаба уюшмасига аъзо корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган 35 ёшгача бўлган мингдан зиёд фаол ёш мутахассислар иштирок этдилар, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим бошлиғи Ирода Ҳикматова. — Йилдан йилга ушбу танловда иштирок этиш ниятини билдирган ёшлар сафининг ортиб бораётгани унинг нуфузидан далолатдир. Мақсадимиз ҳам ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш, ўзи танлаган касбга нисбатан ҳурмат ва фахр туйғусини шакллантириш, улар орасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш, ёш мутахассисларнинг инновацион ғоя, лойиҳа ва технологияларини ҳаётга татбиқ этиш орқали ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдир.

Тадбирда танловнинг "Энг фаол ёш спорт мураббийи", "Энг фаол ёш шифокор", "Энг фаол ёш озиқ-овқат саноати ходими", "Энг фаол ёш олим" ва "Энг фаол ёш транспортчи" каби номинациялар ғолибларига диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ғолиблар танловнинг сентябрь ойида ўтказиладиган Республика босқичида иштирок этадилар.

Шунингдек, ушбу кечада "Ёш ишчи кадрларни тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш" лойиҳаси доирасида ўтказилган "Энг яхши ишчи касб эгаси" танловининг шаҳар босқичи ғолиблари ҳам тақдирланди.

— Мен бугун ғолиблар сафида туриб ўзимга бўлган ишончим янада ортди, — дейди "Тикув ва тикув буюмлари ишлаб чиқариш техник-технологи" номинацияси ғолиби Маҳсума Ҳамдамова. — Албатта бундай ютуқларга эришишда биз ёшларга кўрсатилаётган шарт-шароитларнинг ўрни катта. Келажакда орзулар қанотида етук дизайнер бўлишга, ўзимнинг ҳаётда мустаҳкам ўрнимга эга бўлишга интиламан.

"Интилганга толе ёр" дейдилар, ўз устида ишлайдиган, билим ва касб эгаллашни мақсад қилган ёшларга омадлар тилаб қоламиз.

Тадбир давомида таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барчага хуш кайфият бағишлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: "Ёшлар ижод саройи"да ўтказилган тадбирдан лавҳа

Ёз — ўтмоқда соз

БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

"Баркамол авлод" республика болалар бадиий ижодиёт марказида жорий йилги мавсум давомида оромгоҳларга жалб қилинмаган болалар учун ёзги таътил даврини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари асосида қизиқарли машғулотлар, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилмоқда. Уларнинг қўл меҳнати ёрдамида яратилган бежирим ижодий ишлари мўъжазгина кўргазмадан жой олаётир.

— Жорий ёз мавсуми давомида марказимизда ташкил этилган 18 номдаги 38 та тўгарак машғулотларига ҳар куни 100 нафардан ортиқ ўқувчи-ёшлар қамраб олиниши кўзда тутилган, — дейди "Баркамол авлод" республика болалар бадиий ижодиёт маркази директори Дониёр Эрматов. — Болажонларнинг ёш хусусиятлари ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда интеллектуал ўйинлар, спорт мусобақалари, давра суҳбатлари, китобхонлик баҳслари, инглиз тили сабоқлари ташкил этилмоқда. Бу эса ўқувчиларнинг маънавий оламини бойитиш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, маданий-эстетик савиясини янада юксалтиришга хизмат қилиш билан ҳам аҳамиятлидир.

Мунчоқлар тўплами, сим ва пистондан ясалган оппоқ лилия гули худди ҳақиқийдек. Малакали тўгарак раҳбари Муҳайё Раҳимованинг кўрсатмаси асосида ўқувчилар дастлаб рангли мунчоқларни симга тизиш орқали саккизта гулбарг ва япроқлар ҳамда учта чанглатгич ясайди. Бу орада мураббий лилия гули қаерда ўсиши, гулбарг ва япроқларининг қандай жойлашиши, дориворлик хусусиятлари ҳақида фойдали маълумотлар келтиради. Гулбарглар танага мустаҳкамланиб, гипс ёрдамида тувакка ўтқазилгач, уч босқичли иш якунланади. "Мунчоқли безак" тўгараги аъзоларининг киши кўзини қувнатувчи, хонага ажиб файз ва кўрк берувчи мўъжаз санъат асари тайёр. Марказда ўғил-қизларнинг "Тасвирий санъат", "Тўқиш", "Рақс", "Ёғоч ўймакорлиги", "Дурадгорлик", "Заргарлик", "Карвинг", "Либослар дизайни", "Бичиш-тикиш", "Компьютер сабоқлари", "Шахмат-шашка" сингари тўгаракларига қизиқиши катта. Машғулот давомида ўқувчиларнинг ота-оналари учун ҳам маҳорат сабоқлари ташкил этилаётгани эътиборлидир.

— Бу йил набирам Диёра Муҳиддинова Чилонзор туманидаги 180-умумтаълим мактабининг 3-синфини тамомлади, — дейди Гули Ибрагимова. — Рақсга тушиш унинг жону дили! Шу боис марказдаги "Юлдуз" рақс тўгарагига беш йилдан буён қатнайди. Соғлом танадан ҳар қандай касаллик четлаб ўтишини ҳаётий тажрибамдан биламан. Бу ерда у маҳоратли тўгарак раҳбари билан даставвал бир соат давомида гимнастик машқларни бажаради. Аввалги тортинчоқ набирам энди турли байрам тадбирларидаги жамоавий чиқишларда қатнашиб, дўстлар орттираётгани, асосийси, қадди-қомати тик, дуркун ва соғлом бўлиб ўсаётганидан хурсандмиз. Нафақада бўлсак-да, дугонам Дилбар Эшонқулова билан набираларимизни марказга олиб келишдан эринмаймиз. Машғулотда биз ҳам бекор ўтирганимиз йўқ. Янгидан-янги билимларни ўрганиш асносида болалик дамларимизни эслаб, уни бугунги дориломон кунлар билан таққослаймиз ва шукрона келтирамиз.

Таътилнинг ҳар дақиқаси ғанимат. Бола бу фурсатдан унумли фойдаланиши, мазмунли ва мароқли хордиқ чиқариши кераклигини англаган ота-она яратилган ана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланади.

Зилола ТИЛАБОЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри кўчаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, транспорт коммуникациялари инфратузилмасини янада такомиллаштириш, шаҳар аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш ва пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида бир қанча ҳудудларда бузиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу ҳудудларда уй-жойлари бузилишга тушган оилаларни турар жой билан таъминлаш ишлари Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ белгиланган тартиб асосида, кўп қаватли уйларда жойлашган хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширувчи фуқароларга ер участкалари ажратиш эвазига амалга оширилмоқда.

Ҳозирда, якка тартибдаги турар жой қуриш учун ер бўлаги олиш истагида бўлган фуқаролар, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Қизғалдоқ" ва "Хонобод" фермер хўжалиги ерларидан (мўлжал: Олмазор туманидаги "Бешқўрғон" даҳаси рўпарасида ва Сергели тумани Қўйлиқ-5 даҳаси рўпарасида), ўзларининг хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширишлари эвазига олишлари мумкинлигини маълум қиламиз.

Маълумот учун манзил ва телефонлар:

Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 166-уй (мўлжал: "Гузарбоши" МФЙ), тел: (+95) 199-22-52;

Шайхонтоҳур тумани, Оқилхон Шарофуддинов кўчаси, 10-уй (мўлжал: Ўқув даволаш тиббиёт коллежи), тел: (+94) 688-88-77, (+95) 193-03-13, (+97) 745-33-36.

Қарор ва ижро

ЯНГИ РЕГЛАМЕНТ ДОН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Халқимиз энг қадрли неъматларни "нондек азиз", "нондек мўътабар", дея таърифлайди. Мамлакатимиз гербида ғалла бошоғи тасвири туширилгани ҳам ўзбек халқининг буғдойга, нонга алоҳида ҳурмат-эътибори ифодасидир. Зеро, нон дастурхонимиз кўрки, фаровон ҳаётимиз белгисидир.

Мамлакатимизда барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қатори бошоқли ва дуккакли экинлар етиштириш ҳажми ортмоқда, уларни қайта ишлаш кенгаймоқда. Бу маҳсулот етиштириш агротехникасини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва фойдаланиш меъёрларини такомиллаштиришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 31 мартдаги "Дон хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорида соҳага доир ягона талаблар белгиланди.

Қарорга кўра мамлакатимиз ҳудудида муомалага чиқариладиган дон, уни етиштириш, сақлаш, ташиш, муомалага чиқариш, утилизация қилиш жараёнларига қўллаш ва бажариш учун ягона ва мажбурий бўлган хавфсизлик талаблари қабул қилинди. Донни тамғалаш ва қадоқлаш бўйича муайян мажбурий талаблар ўрнатилди.

– Ҳар бир маҳсулотга қўйилган алоҳида стандартлар талабларини бажариш экспорт ёки импорт билан шуғулланиш истагидаги корхоналарга муайян қийинчилик туғдираётган эди, – дейди "Дон маҳсулотлари илмий ишлаб чиқариш маркази" масъулияти чекланган жамияти директори, техника фанлари доктори Дилором Ғафурова. – Янги техник регламентга кўра, эндиликда бу стандартларнинг талаблари умумлаштирилиб, 29 турдаги озиқ-овқат ва озуқа ем экинларига қўлланилади. Техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича халқаро норматив ҳужжатларга мос бу регламент тадбиркорларга бир қатор енгилликлар яратади. Мазкур техник регламент 2017 йилнинг 11 октябридан кучга киради.

Регламент, дон экинларининг қайси мамлакатда етиштирилишидан қатъи назар, биринчи навбатда, инсон ҳаёти ва соғлиғини, атроф-муҳитни, ҳайвонлар ва ўсимликларни муҳофаза қилиш, юридик ва жисмоний шахслар ҳамда давлат мулкини асраб-авайлашни назарда тутади. Регламентни ишлаб чиқишда маҳаллий шарт-шароит ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда халқаро тажриба ҳам чуқур ўрганилган.

Техник регламент асосида тартибга солинадиган маҳсулотлар сирасига қаттиқ ва юмшоқ буғдой, жавдар, тритикале, сули, арпа, тариқ, шоли, маккажўхори, ловия, нўхат, ясмиқ, мош, бурчоқ, соя, рапс, зиғир, ерёнғоқ, кунжут, пахта, хантал ва бошқалар киради. Шу каби озиқ-овқат ва озуқа ем мақсадларига мўлжалланган донда токсик элементлар, бензопирен, пестицидлар, радионуклидлар, зарарли аралашмалар ва дон зарарланганлигининг чегаравий рухсат этиладиган даражалари, қадоқлашга бўлган санитария-гигиена талаблари ҳам ўз ифодасини топган.

Озиқ-овқат ва озуқа емга мўлжалланган дон регламентда ўрнатилган талабларга жавоб берган тақдирдагина муомалага чиқарилади. Фермерлар ёки тадбиркорлар томонидан етиштирилган донни истеъмолчиларга етказиб беришда унинг регламент талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлган товар – кузатувчи ҳужжатлари талаб этилади. Шу боис эндиликда маҳсулотлар бир жойдан иккинчи жойга юборилаётганда ана шу ҳужжатлар билан бирга жўнатилиши керак. Агар доннинг техник регламент талабларига мувофиқлиги тасдиқланмаган бўлса, уни муомалага чиқариш ман этилади.

Доннинг сифатли сақланишини таъминлаш ҳам жиддий масала. Шу боис регламент донни сақлаш ва қайта ишлашда унинг ишончлилиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида хавфсизлик даражасини ошириш учун янги замонавий технологиялар ҳамда дон хавфсизлигини баҳолаш усулларини жорий этишни тезлаштиришда муҳим омил бўлади. Донни тамғалаш ва қадоқлашга бўлган муайян талабларни ўрнатиш ҳисобига истеъмолчиларни чалғитувчи ҳаракатларнинг олди олинади, доннинг рақобатбардошлигига эришилади.

– Янги ҳужжат ишлаб чиқариш жараёнида хавфли вазиятларнинг юзага келишини минималлаштиради, – дейди Д.Ғафурова. – Регламентнинг халқаро талабларга мослиги ташқи савдодаги техник тўсиқларни бартараф этади. Ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш ва ривожлантириш учун шароит яратилади, доннинг сифатини ҳамда рақобатбардошлигини ошириш имконияти кенгаяди.

"Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компаниясидан олинган маълумотларга кўра, қарор ижросини таъминлаш мақсадида тизимдаги корхоналарда умумий техник регламентнинг мақсади, мазмуни ва уни қўллаш тартиби бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Соҳа вакиллари билан биргаликда техник регламентни амалда қўллаш масалалари бўйича семинарлар ўтказилиб, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этилмоқда. Ишлаб чиқилган техник регламент асосида "Донни қайта ишлаш маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида" махсус регламент тайёрланмоқда.

"Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси тизимидаги 44 корхонанинг ҳаммасида синов лабораторияси мавжуд. Бу синов лабораторияларини замонавий, янги модификациядаги ўлчов воситалари ва асбоб-ускуналар билан қўшимча таъминлаш, янги синов усулларини ўзлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

"Дон хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорга риоя этиш сифатли ва хавфсиз маҳсулот тайёрлаш, экспорт ва импортни ҳар томонлама тартибга солиш, донни сақлаш ва ташишни тўғри ташкил этишда, шу орқали истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири



ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 4

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
7.00 Миллий сериал: “Жийда гули”.
7.35 “Хотира юки”. Теленовелла.
8.00 “Таҳлилнома”.
8.40 Миллий сериал: “Чемпионлик орзуси”.
9.10 “Қишлоқ ҳаёти”.
9.30 “Чиннигул”. Т/с.
10.00 “Иқлим”.
10.15 “Ватанпарвар”.
11.00 “Ахборот”.
11.10 “Учбурчак”. Ток-шоу.
12.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
13.00 “Минг бир жон”. В/ф. 1-қисм.
13.35 “Анонс”.
13.50 “Рамазон ҳикматлари”.
14.00 “Ахборот”.
14.15 “Менинг боғим”.
14.35 “Бизнес-старт”.
15.00 “Иқлим”.
15.15 “Кўнгил ободлиги”.
15.35 “Таҳлил-25”.
16.00 “Заковат”.
17.00 “Ахборот”.
17.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан. “Суҳбатдош”.
17.25 “Севги сароблари”. Т/с.
18.10 “Иқлим”.
18.25 “Имконият”.
18.45 “Рамазон шукуҳи”.
18.50 “Рамазон туҳфаси”.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” /рус/.
20.05 “Чиннигул”. Т/с.
21.00 “Ахборот”.
21.40 “Муносабат”. Ток-шоу.
22.25 – 23.50 “Севги ўгитлари”. Б/ф. 8-қисм.
23.50 “Хотира юки”. Теленовелла.
00.05 “Имконият”.
00.25 Миллий сериал: “Жийда гули”.
1.00 “Ахборот” /рус/.
1.30 “Ассалом, Ўзбекистон!”
2.30 “Анонс”.
2.45 “Рамазон шукуҳи”.
2.50 “Рамазон туҳфаси”.
3.25 “Минг бир жон”. В/ф. 1-қисм.
4.00 “Ахборот”.
4.40 Миллий сериал: “Чемпионлик орзуси”.
5.10 – 5.55 “Ватанпарвар”.

Ёшлар

6.00 “Ватан меҳри”.
6.10 “Жайдари келин”. Спектакль.
7.40 “Ош бўлсин!”
8.30 “Тақдир”. Б/ф.
9.50 “Телетуҳфа”.
10.00 “Камолот”-инфо.
10.10 “Келин”. Т/с.
11.00 “Шарқ гавҳари”.
11.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: “Истиқлол шукуҳи”.
12.00 “Қасоскор”. Т/с.
12.50 “UzEX”.
13.00 “Давр”.
13.10 “Севги афсонаси”. Б/ф.
15.30 “Бобур хазинаси”.
15.50 “UzEX”.
16.00 “Давр”.
16.10 “Гап”. Б/ф.
16.40 “Соғлом ҳаёт”.
17.00 “Камолот-инфо”.
17.10 “Фанфан-лолагул”. Б/ф.
18.50 “UzEX”.
19.00 “Давр”.
19.30 “Келин”. Т/с.
20.20 “Нуқтаи назар”.
21.00 “Қасоскор”. Т/с.
21.50 “Телетуҳфа”.
22.00 “Давр”.
22.30 “Оқ тўфон”. Б/ф.
00.30 “Хамсахонлик кечаси”.
2.00 “Аждодлар ёди”.
3.30 “Ёз ҳангомаси”. В/ф.
4.10 “Юртим жамоли”.
5.30 – 6.00 “Давр”.

Тошкент

5.55 “Ягонасан, муқаддас Ватаним!”
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. “Poytaxt”.
6.20 Миллий сериал: “Туташ тақдирлар”.
6.55 “Тошкент вақти”.
9.10 “Севгим менинг – андуҳим менинг”. Т/с.
9.50 “Poytaxt-sport”.
10.15 “Бахт маликаси”. Т/с.
10.45 “Мобильная камера”.
11.15 “Обод хонадон”.
11.45 “Пойтахт-культура”.
12.15 Миллий сериал: “Туташ тақдирлар”.
12.50 “Poytaxt-avto”.
13.10 “Телетаҳлил”.
13.35 “Мобиль камера”.
13.45 “Poytaxt-reportaj”.
14.10 “Тошкент вақти”.
15.10 “Гулираъно”. Т/с.
15.50 “Poytaxt-sport”.
16.15 “Кичкинтой сайрга чиқди”. Б/ф.
18.15 “Ишга марҳамат!”
18.20 “Пойтахт-авто”.
18.30 “Ҳимоя”.
18.45 “Poytaxt-Hi-tech”.
19.00 “Телемаркет”.
19.15 “Севгим менинг – андуҳим менинг”. Т/с. /Премьера/.
20.20 “Сени дедим”. Т/с. /Премьера/.
21.00 “Сифат назорати”.
21.30 “Poytaxt-eko”.
21.45 “Телемаркет”.
22.20 “Агент 007: Координаты “Скайфолл”. Х/ф.
00.35 “Ҳикматли дунё”. “Бувижон”.
1.20 “Poytaxt-eko”.
1.35 “Кинотақдим”.
2.15 “Кўнгил ҳайратлари”.
2.45 “Инсон садоқати” видеофильм. 1-қисм.
3.20 “Бахт қўрғони”.
3.45 “Пойтахт-культура”.
3.55 – 5.55 “Тошкент вақти”.

Спорт

6.00 Мадҳия.
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 “Қорақалпоқ спорти”.
6.30 “Орзулар кемаси”.
7.00 “Sport-online”.
8.00 Талқин.
8.30 Футзал. Осиё чемпионати. Чорак финал. Тайланд – Австралия.
10.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: “Ўзбек спортининг зафарли одимлари”.
10.45 Теннис. Уимблдон турнири.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 “Sport-online”.
13.05 Универсиада – 2016 спорт ўйинлари.
13.50 “Эътироф”.
14.00 Хабарлар.
14.20 Дзюдо. Гран-при турнири.
15.30 Универсиада – 2016. Спорт ўйинлари.
17.15 Белбоғли кураш. Халқаро турнир.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 “Спорт сайёраси”.
18.15 “Техноспорт”.
18.30 Хабарлар.
18.45 “Болалар спорти”.
19.15 Дзюдо. Гран-при турнири.
20.25 “Спорт-маркет”.
20.30 Хабарлар 20.
20.55 “ФИФА”. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
22.25 Теннис. Уимблдон турнири.
23.50 “Техноспорт”.
00.00 Мадҳия.
00.05 Профессионал бокс.
1.00 Хабарлар.
1.20 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси.
3.00 Дзюдо. Гран При турнири.
4.15 – 6.00 Универсиада – 2016 спорт ўйинлари.

Маҳалла

6.00 “Ватан мадҳи”.
6.05 Миллий сериал. “Опа-сингиллар”.
6.40 “Турфа маслаҳат”.
7.00 Миллий кино. “Тунги меҳмон”.
8.20 “TV анонс”.
8.25 “Теран илдизлар”.
8.45 “7 кун нафаси”.
9.00 Миллий кино. “Ёдгор”.
10.00 “Изҳор”.
10.05 “Маҳалламиз спортчилари”.
10.55 “Фотокўзгу”.
11.00 “Мўъжаз Ватан”.
11.20 “Эзгу сўз, эзгу амал”. Ток-шоу.
12.00 “TV анонс”.
12.05 “Маҳалламиз маликаси”.
12.55 “Кун нафаси”.
13.00 Миллий кино. “Динозавр қолдирган из”.
14.15 “Кўнгилдаги гаплар”.
15.00 Миллий сериал. “Ҳаёт пиллапоялари”.
15.30 “Ноёб институт”.
15.55 “Кун нафаси”.
16.00 Миллий сериал. “Фидойилар”.
16.35 “Фермер”.
17.00 “Ихтиро”.
17.25 “TV анонс”.
17.30 “Очиқ дарс”.
17.55 “Кун нафаси”.
18.00 “Менинг маҳаллам”.
18.30 “Қадр топган қадриятлар”.
19.00 Миллий сериал. “Мафтуна”.
19.30 “TV анонс”.
19.35 “Чироғи ёниқ уй”.
20.00 “Халқ виждони”. Ток-шоу.
20.50 “Кун нафаси”.
21.00 Миллий кино. “Алданган кўнгил”.
22.25 “TV анонс”.
22.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига “Осуда ҳаёт”.
23.00 “Кун нафаси”.
23.10 “Маҳалламиз Зулфиялари”.
23.35 “Идрок харитаси”.
00.00 “Ватан мадҳи”.
00.05 Миллий сериал. “Опа-сингиллар”.
00.40 “Нуроний фасл”.
1.00 Миллий кино. “Динозавр қолдирган из”.
2.20 “Юртим манзаралари”.
2.30 “Бизнес ва тараққиёт”.
3.00 Миллий сериал. “Ҳаёт пиллапоялари”.
3.35 “Обод маҳалланинг бахтли оиласи”.
4.00 Миллий сериал. “Фидойилар”.
4.30 “Бола бошидан”.
5.05 Ҳужжатли фильм. “Тўн”.
5.20 – 6.00 “Меҳр қолур”.

Болажон

7.00 “Салом, болажон!”
7.10 “Болажон гимнастикаси”.
7.20 “Қувноқ стартлар”.
7.40 “Мультипанорама”.
8.30 “Саргузаштлар ороли”.
8.50 “Мультипанорама”.
10.00 “Story time”.
10.30 “Болалар учун фильм”.
13.10 “Ўйинқароқ болалар”.
13.30 “Қувноқ алифбо”.
14.00 “Мультипанорама”.
16.00 “Худойберди бобо меҳмонда”.
16.30 “Мультипанорама”.
17.40 “Ширинтой-кичкинтойлар”.
18.00 “Мунчоққўз болажон”.
18.10 “Мультипанорама”.
19.30 “Табиатга саёҳат”.
19.50 “Сеҳрли қўллар”.
20.00 “Соғлом болажон”.
20.20 “Мультипанорама”.
21.10 “Миттивойлар мусобақаси”.
21.30 “Мультипанорама”.
21.50 – 22.00 “Хайрли тун”.

Кинотеатр

6.00 “Юрт мадҳи”.
6.05 “Дала ҳовли”. Б/ф.
7.30 Миллий кино. “Зумрад ва Қиммат”.
9.10 Саргузашт фильмлар экрани. “Чапақай”.
11.05 “Аноним”. Х/ф. 1-қисм.
12.05 “Аноним”. Х/ф. 2-қисм.
13.05 Кундузги сериал. “Қақнус”.
14.10 “Орзулар жамоаси”. Б/ф.
15.40 Болалар экрани. “Оғаинилар”.
17.30 “Кўчки остида қолганлар”. Б/ф.
19.00 “Шунқор”. Т/с. Премьера.
20.05 Миллий кино. “Кўргулик”. Б/ф.
21.10 “Ҳафта юлдузи”. Кажол.
21.30 Жаҳон киноси. “Жоним фидо”. Б/ф.
00.00 “Юрт мадҳи”.
00.05 “Вальс для Моники”. Х/ф.
1.55 “Вақт машинаси”. Б/ф.
3.30 “Тақдири азал”. Б/ф.
4.35 – 6.00 Миллий кино. “Насриддин Бухорода”.

СЕШАНБА, 5

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
7.00 Миллий сериал: “Жийда гули”.
7.35 “Юртим таровати”. Х/ф.
8.00 “Ахборот”.
8.40 Миллий сериал: “Чемпионлик орзуси”.
9.10 “Суҳбатдош”.
9.25 “Иқлим”.
9.30 “Чиннигул”. Т/с.
10.00 “Иқлим”.
10.15 “Ўзингни англа”. Ток-шоу.
11.00 “Ахборот”.
11.10 “Умидбахш кун”. В/ф.
12.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
13.00 “Минг бир жон”. В/ф. 2-қисм.
13.35 “Анонс”.
13.50 “Рамазон ҳикматлари”.
14.00 “Ахборот”.
14.15 “Имконият”.
14.40 “Устурлоб”.
15.00 “Иқлим”.
15.15 “Муносабат”. Ток- шоу.
16.00 “Тезкор хабарлар”.
16.10 “Ғаройиб шаршаралар”. Х/ф.
16.30 “Ахборот”. /Инглиз/.
16.40 “Тараққиёт таянчи”.
17.00 “Ахборот”.
17.10 “2016 йил – Соғлом она ва бола йили”. “Нурли ришталар”.
17.30 “Севги сароблари”. Т/с.
18.15 “Иқлим”.
18.25 “Агроолам”.
18.45 “Рамазон шукуҳи”.
18.50 “Рамазон ҳайитингиз муборак бўлсин!”
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” /рус/.
20.05 “Чиннигул”. Т/с.
21.00 “Ахборот”.
21.40 “Бизнес-старт”.
22.05 – 23.35 “Виждон”. Б/ф.
23.35 “Ўзингни англа”. Ток- шоу.
00.20 Миллий сериал: “Жийда гули”.
1.00 “Ахборот” /рус/.
1.30 “Ассалом, Ўзбекистон!”
2.30 “Рамазон ҳикматлари”.
2.45 “Рамазон шукуҳи”.
2.50 “Рамазон ҳайитингиз муборак бўлсин!”
3.25 “Минг бир жон”. В/ф. 2-қисм.
4.00 “Ахборот”.
4.40 Миллий сериал: “Чемпионлик орзуси”.
5.10 “Агроолам”.
5.30 – 5.55 “Бизнес-старт”.

Ёшлар

6.00 “Ватан меҳри”.
6.10 “Дадажон демасман”. Спектакль.
7.40 “Ош бўлсин!”
8.30 “Юлдузингни бер, осмон”. Б/ф.
9.50 “Телетуҳфа”.
10.00 “Давр”.
10.10 “Келин”. Т/с.
11.00 “Нуқтаи назар”.
11.40 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: “Юртим жамоли”.
12.00 “Қасоскор”. Т/с.
12.50 “UzEX”.
13.00 “Давр”.
13.10 “Ромео ва Жульетта”. Б/ф.
15.30 “Бобур хазинаси”.
15.50 “UzEX”.
16.00 “Давр”.
16.10 “Ҳайвонот боғи”. Б/ф.
16.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: “Юрт келажаги”.
17.10 “Давр мавзуси”.
17.30 “Чимилдиқ”. Б/ф.
18.50 “UzEX”.
19.00 “Давр”.
19.30 “Келин”. Т/с.
20.20 “Оналар мактаби”.
21.00 “Қасоскор”. Т/с.
21.50 “Телетуҳфа”.
22.00 “Давр”.
22.30 “Бахт изидан”. Б/ф.
00.30 “Ибн Сино”. Х/ф.
1.30 “Навоийга таъзим”.
3.10 “Амир Темур”. Х/ф.
4.10 “Шарқ гавҳари”.
5.30 – 6.00 “Давр”.

Тошкент

5.55 “Ягонасан, муқаддас Ватаним!”
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. “Poytaxt”.
6.20 Миллий сериал: “Туташ тақдирлар”.
6.55 “Тошкент вақти”.
9.10 “Севгим менинг – андуҳим менинг”. Т/с.
9.50 “Poytaxt-sport”.
10.15 “Бахт маликаси”. Т/с.
10.45 “Poytaxt-avto”.
11.15 “Рангли телевизор”.
12.15 Миллий сериал: “Туташ тақдирлар”.
12.50 “Poytaxt-eko”.
13.15 “Тошкентнома”.
13.35 “Эртамиз эгалари”.
14.10 “Тошкент вақти”.
15.10 “Сени дедим”. Т/с.
15.50 “Poytaxt-sport”.
16.15 “Тан соқчи”. Б/ф.
18.15 “Ишга марҳамат!”
19.00 “Телемаркет”.
19.15 “Севгим менинг – андуҳим менинг”. Т/с. /Премьера/.
20.20 “Сени дедим”. Т/с. /Премьера/.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: “Телетаҳлил”.
21.30 “Poytaxt-madaniyat”.
21.45 “Телемаркет”.
22.20 “Дневник памяти”. Х/ф.
00.05 “Пойтахт-Hi-tech”.
00.15 “Ҳикматли дунё”. “Мафтуна”.
1.00 “Poytaxt-madaniyat”.
1.15 “Профессионал”.
1.35 “Poytaxt-avto”.
1.45 “Мобильная камера”.
2.15 “Кўнгил ҳайратлари”.
2.45 “Инсон садоқати”. Видеофильм. 2-қисм.
3.20 “Сифат назорати”.
3.55 – 5.55 “Тошкент вақти”.

Спорт

6.00 Мадҳия.
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 “RIO – 2016”.
6.35 “Болалар спорти”.
7.00 “Sport-online”.
8.00 Хабарлар.
8.15 Футзал. Осиё чемпионати. Япония – Вьетнам.
10.35 Теннис. Уимблдон турнири.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 “Sport-online”.
13.00 Универсиада – 2016. Спорт ўйинлари.
14.00 Хабарлар.
14.20 Дзюдо. Гран-при турнири.
15.35 “ФИФА”.
17.05 “Эътироф”.
17.15 Белбоғли кураш. Халқаро турнир.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 “Спорт сайёраси”.
18.15 “Техноспорт”.
18.30 Хабарлар.
18.50 “Эътироф”.
19.00 Теннис. Уимблдон турнири.
20.25 “Спорт-маркет”.
20.30 Хабарлар.
20.55 Волейбол. Жаҳон лигаси.
22.00 Универсиада – 2016. Спорт ўйинлари.
23.30 “Чемпион”.
23.50 “Техноспорт”.
00.00 Мадҳия.
00.05 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси.
1.50 Хабарлар.
2.10 Профессионал бокс.
3.00 “Юлдузли оқшом”.
3.45 – 6.00 Футзал. Осиё чемпионати. Япония – Вьетнам.

Маҳалла

6.00 “Ватан мадҳи”.
6.05 Миллий сериал. “Опа-сингиллар”.
6.40 “Осуда ҳаёт”.
7.05 Миллий кино. “Алданган кўнгил”.
8.30 “Кун нафаси”.
8.40 “Чироғи ёниқ уй”.
9.05 Миллий сериал. “Мафтуна”.
9.35 “Қадр топган қадриятлар”.
10.05 “Халқ виждони”. Ток-шоу.
10.55 “Юртим манзаралари”.
11.00 “Менинг маҳаллам”.
11.30 “TV анонс”.
11.35 “Очиқ дарс”.
12.00 “Изҳор”.
12.05 “Қайнона бисотидан”.
12.30 “Юртим манзаралари”.
12.35 “Теран илдизлар”.
12.55 “Кун нафаси”.
13.00 Видеофильм. “Бозор кўрмаган йигит”.
14.10 “Маҳалламиз спортчилари”.
15.00 Миллий сериал. “Ҳаёт пиллапоялари”.
15.35 “Турфа маслаҳат”.
15.55 “Кун нафаси”.
16.00 Миллий сериал. “Фидойилар”.
16.35 “Фотокўзгу”.
16.40 “Эзгу сўз, эзгу амал”. Ток-шоу.
17.20 “TV анонс”.
17.30 “Маҳалламиз болалари”.
17.55 “Кун нафаси”.
18.00 “Табаррук анъана”.
18.25 “TV анонс”.
18.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига: “Ноёб институт”.
19.00 Миллий сериал. “Мафтуна”.
19.30 “Маҳалламиз Зулфиялари”.
19.55 “Юртим манзаралари”.
20.00 “Биламизку, аммо”.
20.25 “Обод маҳалланинг бахтли оиласи”.
20.50 “Кун нафаси”.
21.00 Миллий кино. “Муҳаббат синовлари”.
22.30 “Табиат шифохонаси”.
23.55 “Юртим манзаралари”.
23.00 “Кун нафаси”.
23.10 “Ён қўшним – жон қўшним”.
23.30 “Юртим манзаралари”.
23.35 “Соғлом турмуш”.
00.00 “Ватан мадҳи”.
00.05 Миллий сериал. “Опа-сингиллар”.
00.40 Мисли гавҳар.
1.00 Видеофильм. “Бозор кўрмаган йигит”.
2.10 “Кўнгилдаги гаплар”.
2.55 “Юртим манзаралари”.
3.00 Миллий сериал. “Ҳаёт пиллапоялари”.
3.35 “Фермер”.
4.00 Миллий сериал. “Фидойилар”.
4.35 “Ноёб институт”.
5.00 “Юртим манзаралари”.
5.10 “Ихтиро”.
5.35 – 6.00 “Истеъдод”.

Болажон

7.00 “Салом, болажон!”
7.10 “Болажон гимнастикаси”.
7.20 “Қувноқ стартлар”.
7.40 “Мультипанорама”.
8.30 “Боғбон болажон”.
8.50 “Мультипанорама”.
10.00 “Қувноқ алифбо”.
10.30 “Болалар учун фильм”.
12.30 “Топағон болажон”.
12.50 “Мультипанорама”.
13.40 “Ўйинқароқ болалар”.
13.50 “Худойберди бобо меҳмонда”.
14.00 “Мультипанорама”.
16.00 “Ширинтой-кичкинтойлар”.
16.20 “Бола бошидан”.
16.30 “Мультипанорама”.
17.40 “Саргузаштлар ороли”.
18.10 “Мультипанорама”.
19.30 “Табиатга саёҳат”.
20.00 “Соғлом болажон”.
20.20 “Мультипанорама”.
21.10 “Миттивойлар мусобақаси”.
21.30 “Мультипанорама”.
21.50 – 22.00 “Хайрли тун”.

Кинотеатр

6.00 “Юрт мадҳи”.
6.05 Миллий кино. “Кўргулик”.
7.15 Миллий кино. “Ёмғир остида”.
8.35 Саргузашт фильмлар экрани. “Ёлғиз курашчи”. Б/ф. 1-қисм.
9.45 “Ёлғиз курашчи”. Б/ф. 2-қисм.
11.00 “Золото Маккенны”. Х/ф.
13.00 Кундузги сериал. “Қақнус”.
14.05 “Муҳаббат қушлари”. Б/ф.
15.50 Болалар экрани. “Овчи ўғли”.
17.20 “Тинч океани оша”. Б/ф.
19.00 “Шунқор”. Т/с. Премьера.
20.05 Миллий кино. “Ёндиради-куйдиради”.
21.40 Жаҳон киноси. “Умр мазмуни”. Б/ф. 1-қисм.
22.40 “Умр мазмуни”. Б/ф. 2-қисм.
23.40 Миллий кино. “Галатепалик авлиё”. Қисқа метражли фильм.
00.00 “Юрт мадҳи”.
00.05 “Паутина лжи”. Х/ф.
2.20 “Чопқир”. Б/ф.
4.35 – 6.00 Миллий кино. “Гўзаллик сири”. Б/ф.

ЧОРШАНБА, 6

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
7.00 Миллий сериал: “Жийда гули”.
7.35 “Афсонавий қоялар”. Х/ф.
8.00 “Ахборот”.
8.40 Миллий сериал: “Чемпионлик орзуси”.
9.10 “Ой тақвими”.
9.30 “Чиннигул”. Т/с.
10.00 “Кўнгил ободлиги”.
10.20 “Қайдасан, оймомо?” Б/ф.
11.45 “Иқлим”.
12.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
13.00 “Билимдон”. Интеллектуал танлов.
14.00 “Кунларнинг бирида”.
14.15 “Қишлоқ ҳаёти”.
14.35 “Онажон – онажонгинам”. Б/ф.
15.45 “Ҳунар сирлари”.
16.05 “Иқлим”.
16.15 “Ойдин ҳаёт”. Ток-шоу.
17.00 “Ахборот”.
17.10 “Чол ва набира”. Б/ф.
18.40 “Менинг боғим”.
18.55 “Ҳаётдаги мен”.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” /рус/.
20.05 “Чиннигул”. Т/с.
21.00 “Ахборот”.
21.40 “Учбурчак”. Ток-шоу.
22.35 – 23.50 “Тангалик болалар”. Б/ф.
23.50 “Менинг боғим”.
00.10 “Анонс”.
00.20 Миллий сериал: “Жийда гули”.
1.00 “Ахборот” /рус/.
1.30 “Ассалом, Ўзбекистон!”
2.30 “Тўйлар муборак”. Б/ф.
3.30 “Ҳаётдаги мен”.
4.00 “Ахборот”.
4.35 Миллий сериал: “Чемпионлик орзуси”.
5.05 – 5.55 “Учбурчак”. Ток-шоу.

Ёшлар

6.00 “Ватан меҳри”.
6.10 “Уч кунлик дунё”. Спектакль.
7.40 “Ош бўлсин!”
8.30 “Маҳаллада дув-дув гап”. Б/ф.
9.50 “Табассум қил!”
10.10 “Келин”. Т/с.
11.00 “Имкон-шоу”.
11.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: “Истиқлол шукуҳи”.
12.00 “Қасоскор”. Т/с.
12.50 “Табассум қил!”
13.10 “Суюнчи”. Б/ф.
14.30 “Шарқ гавҳари”.
15.10 “Шум бола”. Б/ф.
16.50 “Шарқ гавҳари”.
17.30 “Онасининг боласи”. Б/ф.
18.50 “Телетуҳфа”.
19.00 “Давр”.
19.30 “Келин”. Т/с.
20.20 “Нуқтаи назар”.
21.00 “Қасоскор”. Т/с.
21.50 “Телетуҳфа”.
22.00 “Давр”.
22.30 “Қоялар қироли”. Б/ф.
00.20 “Томчида қуёш”.
00.30 “Тўмарис”. Х/ф.
1.00 “Юртим жамоли”.
1.10 “Мирзо Улуғбек”.
1.30 “Мангу хотира”.
1.50 “Ойбек”. Х/ф.
2.20 “Ватанпарвар”.
3.00 “Ўзбек адабиёти”.
5.00 “Мутойиба”.
5.30 – 6.00 “Давр”.

Тошкент

5.55 “Ягонасан, муқаддас Ватаним!”
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. “Poytaxt”.
6.20 Миллий сериал: “Туташ тақдирлар”.
6.55 “Тошкент вақти”.
9.10 “Севгим менинг – андуҳим менинг”. Т/с.
9.50 “Poytaxt-sport”.
10.15 “Бахт маликаси”. Т/с.
10.45 “Poytaxt-madaniyat”.
11.15 “Кадр ортида”.
11.35 “Кинотақдим”.
12.15 Миллий сериал: “Туташ тақдирлар”.
12.50 “Пойтахт-авто”.
13.15 “Кўзгудаги Биз”.
13.45 “Poytaxt-madaniyat”.
14.10 “Тошкент вақти”.
15.10 “Сени дедим”. Т/с.
15.50 “Poytaxt-sport”.
16.15 “Устоз Вонг”. Б/ф.
17.45 “Poytaxt-Hi-tech”.
18.15 “Ишга марҳамат!”
18.20 “Саломат бўлинг!” тележурнали.
18.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: “Poytaxt-reportaj”.
19.00 “Телемаркет”.
19.15 “Севгим менинг – андуҳим менинг”. Т/с. /Премьера/.
20.20 “Сени дедим”. Т/с. /Премьера/.
21.00 “Тошкент вақти”.
21.45 “Телемаркет”.
22.20 “Хранитель времени”. Х/ф.
00.05 “Пойтахт-авто”.
00.15 “Ҳикматли дунё”. “Қалб”.
1.00 “Мобиль камера”.
1.10 “Кадр ортида”.
1.30 “Пойтахт-Hi-tech”.
1.40 “Эртамиз эгалари”.
2.15 “Саломат бўлинг!” тележурнали.
2.45 “Инсон садоқати”. Видеофильм. 3-қисм.
3.20 “Бахт қўрғони”.
3.55 – 5.55 “Тошкент вақти”.

Спорт

6.00 Мадҳия.
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 “Камолот” спорт.
6.40 “Ифтихоримсан, спорт”.
7.00 “Sport-online”.
8.00 Хабарлар.
8.15 Футзал. Осиё чемпионати Ироқ – Австралия.
9.50 “Соғлом турмуш сари”.
10.35 Теннис. Уимблдон турнири.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 “Sport-online”.
13.00 Универсиада – 2016. Спорт ўйинлари.
14.00 Хабарлар.
14.20 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси.
16.05 Универсиада – 2016. Спорт ўйинлари.
17.15 Белбоғли кураш. Халқаро турнир.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 “Спорт сайёраси”.
18.15 “Техноспорт”.
18.30 Хабарлар.
18.50 “Матонат”.
19.10 “Эътироф”.
19.25 Дзюдо. Гран-при турнири.
20.25 “Спорт-маркет”.
20.30 Хабарлар.
20.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: “Спортчи қизлар Ўзбекистон ифтихори”.
21.35 Теннис. Уимблдон турнири.
23.00 Волейбол. Жаҳон лигаси.
00.00 Мадҳия.
00.05 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси.
1.50 Хабарлар.
2.10 Универсиада – 2016. Спорт ўйинлари.
3.10 “Техноспорт”.
3.20 Дзюдо. Гран-при турнири.
4.25 – 6.00 Футзал. Осиё чемпионати. Ироқ – Австралия.

Маҳалла

6.00 “Ватан мадҳи”.
6.05 Миллий сериал. “Опа-сингиллар”.
6.40 “Маҳаллам ҳақида”.
7.00 Миллий кино. “Муҳаббат синовлари”.
8.30 “Кун нафаси”.
8.40 “Очиқ дарс”.
9.05 Миллий сериал. “Мафтуна”.
9.35 “Ноёб институт”.
10.05 “Табиат шифохонаси”.
10.30 “TV анонс”.
10.35 “Обод маҳалланинг бахтли оиласи”.
11.00 “Юртим манзаралари”.
11.05 “Биламизку, аммо”.
11.30 “Фотокўзгу”.
11.35 “Табаррук анъана”.
11.55 “Юртим манзаралари”.
12.00 “Маҳалламиз болалари”.
12.25 “Изҳор”.
12.30 “Маҳалламиз Зулфиялари”.
12.55 “Кун нафаси”.
13.00 Миллий кино. “Номус”.
14.05 “TV анонс”.
14.10 “Халқ виждони”. Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал. “Ҳаёт пиллапоялари”.
15.30 “Чироғи ёниқ уй”.
15.55 “Кун нафаси”.
16.00 Миллий сериал. “Фидойилар”.
16.35 “Қадр топган қадриятлар”.
17.05 “Фотокўзгу”.
17.10 “Осуда ҳаёт”.
17.30 “TV анонс”.
17.35 “Тарбиянинг олтин қоидаси”.
17.55 “Кун нафаси”.
18.00 “Обод юрт одамлари”.
18.25 “Фотокўзгу”.
18.30 “Эҳтиёж формуласи”.
18.55 “Изҳор”.
19.00 Миллий сериал. “Мафтуна”.
19.30 “TV анонс”.
19.35 “Соғлом турмуш”.
20.00 “Ён қўшним – жон қўшним”.
20.20 “Фотокўзгу”.
20.25 “Қишлоқ қўйнидаги бахт”.
20.50 “Кун нафаси”.
21.00 Миллий кино. “Онажоним орзуси”.
22.30 “Қайнона бисотидан”.
22.55 “Юртим манзаралари”.
23.00 “Кун нафаси”.
23.10 “Қариси бор уй”.
23.35 “Етти хазина”.
00.00 “Ватан мадҳи”.
00.05 Миллий сериал. “Опа-сингиллар”.
00.40 “Мўъжаз Ватан”.
1.00 Миллий кино. “Номус”.
2.00 “Турфа маслаҳат”.
2.20 “Эзгу сўз, эзгу амал”.Ток-шоу.
3.00 Миллий сериал. “Ҳаёт пиллапоялари”.
3.35 “Йўлга чиқдик”.
4.00 Миллий сериал. “Фидойилар”.
4.35 “Теран илдизлар”.
5.00 “Юртим манзаралари”.
5.10 – 6.00 “Маҳалламиз маликаси”.

Болажон

7.00 “Салом, болажон!”
7.10 “Болажон гимнастикаси”.
7.20 “Қувноқ стартлар”.
7.40 “Мультипанорама”.
8.30 “Саргузаштлар ороли”.
8.50 “Мультипанорама”.
10.10 “Bravo English!”
10.30 “Болалар учун фильм”.
13.20 “Бола бошидан”.
13.30 “Қувноқ алифбо”.
14.00 “Мультипанорама”.
16.00 “Сеҳрли қўллар”.
16.20 “Ўйинқароқ болалар”.
16.30 “Мультипанорама”.
17.40 “Ширинтой-кичкинтойлар”.
18.00 “Мунчоққўз болажон”.
18.10 “Мультипанорама”.
19.30 “Табиатга саёҳат”.
19.50 “Соғлом болажон”.
20.20 “Мультипанорама”.
21.10 “Миттивойлар мусобақаси”.
21.20 “Мультипанорама”.
21.50 – 22.00 “Хайрли тун”.

Кинотеатр

6.00 “Юрт мадҳи”.
6.05 Миллий кино. “Мафтунингман”. Б/ф.
7.25 Миллий кино. “Ёндиради-куйдиради”. Б/ф.
9.00 Миллий кино. “Келинлар қўзғолони”. Б/ф.
10.15 Миллий кино. “Абдуллажон”. Б/ф.
11.35 Миллий кино. “Тилим курсин-1”.
13.05 Миллий кино. “Тилим курсин-2”.
14.35 Миллий кино. “Куёвмисан куёв”.
16.00 Миллий кино. “Севгинатор-1”.
17.40 Миллий кино. “Севгинатор-2”.
19.10 “Шунқор”. Т/с. Премьера.
20.15 Миллий кино. “Зумрад ва Қиммат”.
21.55 Миллий кино. “Турист”.
23.30 Миллий кино. “Биринчи бўса”.
00.00 “Юрт мадҳи”.
00.05 “Вам письмо”. Х/ф.
2.00 “Рўё”. Б/ф.
4.30 – 6.00 Миллий кино. “Кўзларим йўлингда”.

(Давоми келгуси сонда)

ОБОД ШАҲРИМ — ОЗОДА ШАҲРИМ

ҳар шанба ва якшанба — тозалик куни

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Шаҳримизнинг янада кўркам бўлиши, кўчаларимизнинг орасталиги, маҳаллаларимизнинг озода ва ободлигига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик, тозалик ва ободонлаштириш ишларида фаол бўлайлик!

Коммунал хизмати тўловларини ўз вақтида тўлайлик!

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамизга яхши маълумки, ҳар биримиз истеъмолчи сифатида табиатнинг бебаҳо неъматлари – сув, табиий газ, электр энергияси сингари ресурслардан фойдаланамиз. Турмушимизга чуқур сингиб кетган ва фаровонлигимизни таъминлашда муҳим омил бўлган мазкур неъматлар соҳа ходимларининг заҳматли меҳнатлари ва катта маблағлар эвазига етказиб берилади.

Шу боис ҳам уларнинг қадрига етиш, исрофгарчилигига йўл қўймаслик, тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш, шунинг баробарида “Ҳисобли дўст айрилмас” нақлига амал қилган ҳолда фойдаланилган иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик қуввати, табиий газ, электр энергияси ҳамда кўп қаватли уйларда фойдаланиш харажатлари тўловларини ўз вақтида амалга ошириш ҳар бир истеъмолчининг бурчидир.

Зеро, тежамкорлик – катта бойлик, демакдир. Юқоридаги неъматлардан керагича — омилкорлик билан фойдаланиш қоидаларига тўла амал қилган ҳолда сарфласак, қоидабузарлик ва ўзбошимчалик билан уланишларга йўл қўймасак хизмат сифатига ва самарадорлигига ҳисса қўшган бўламиз, тўловларимиз эса эртага ўзимизга намунали хизмат сифатида қайтади.

Шу ўринда, сиз қадрли истеъмолчиларга шуни эслатиб қўймоқчимизки, мазкур коммунал хизматлар юзасидан бирорта муаммо туғилса, носозлик ва авария ҳолатлари рўй берган тақдирда қуйидаги телефонлар орқали соҳа ходимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ БЎЙИЧА ТУНУ КУН ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИ — 1055

“ТОШГАЗ” БОШҚАРМАСИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 255-44-27
Учтепа — 274-44-34
Бектемир — 295-14-43
Миробод — 254-15-61
Мирзо Улуғбек — 267-19-47
Олмазор — 248-35-48
Сергели — 258-84-33
Яшнобод — 296-39-61
Чилонзор — 278-09-99
Шайхонтоҳур — 242-39-26
Юнусобод — 212-25-52
Яккасарой — 255-49-59

ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий диспетчерлик хизмати — 233-77-53, 233-78-46
Учтепа — 274-14-81
Бектемир — 295-10-62
Миробод — 291-15-92
Мирзо Улуғбек — 267-58-15
Сергели — 258-38-60
Олмазор — 242-46-95
Шайхонтоҳур — 278-87-11
Яшнобод — 291-87-83
Чилонзор — 277-19-72
Юнусобод — 225-00-65
Яккасарой — 250-19-67

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **2 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **2-4** ва **5 июль** эрталаб Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 755
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5384 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5